

9-28-2018

# Legal mechanisms of attracting foreign citizens to jobs in Uzbekistan: existing problems and their solutions

B. Musaev

*Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, tsulscience@tsul.uz*

Follow this and additional works at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law](https://uzjournals.edu.uz/rev_law)



Part of the [Administrative Law Commons](#)

---

### Recommended Citation

Musaev, B. (2018) "Legal mechanisms of attracting foreign citizens to jobs in Uzbekistan: existing problems and their solutions," *Review of law sciences*: Vol. 2 , Article 39.

Available at: [https://uzjournals.edu.uz/rev\\_law/vol2/iss3/39](https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss3/39)

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).



## LEGAL MECHANISMS OF ATTRACTING FOREIGN CITIZENS TO JOBS IN UZBEKISTAN: EXISTING PROBLEMS AND THEIR SOLUTIONS

**B.MUSAEV<sup>a</sup>**

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

### ПРАВОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ НА РАБОТУ ИНОСТРАННЫХ ГРАЖДАН В УЗБЕКИСТАНЕ

**Б.МУСАЕВ<sup>a</sup>**

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИНИ ИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ: МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

**Б.МУСАЕВ<sup>a</sup>**

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

***Аннотация:** мазкур мақолада муаллиф Ўзбекистонда чет эл фуқароларини ишга қабул қилиш жараёнининг ҳуқуқий механизмлари, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларни қўллашдаги муаммоларни батафсил таҳлил қилган. Мақола якунида муаллиф томонидан чет эл фуқароларини Ўзбекистонда ишга қабул қилиш жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.*

***Калим сўзлар:** чет эл фуқароси, меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси, хорижий ишчи кучини жалб қилиш рухсатномаси, электрон виза.*

***Аннотация:** в данной статье автор анализирует правовые механизмы процесса найма иностранных граждан в Узбекистане, а также нормативные правовые акты в данной сфере и проблемы их применения. В заключении статьи автор даёт предложения по совершенствованию процесса найма иностранных граждан в Узбекистане.*

***Ключевые слова:** иностранные граждане, подтверждения на право трудовой деятельности, разрешение на привлечение иностранной рабочей силы, электронная виза.*

***Abstract:** In this article, the author analyzes the legal mechanism of the process of recruiting foreign citizens in Uzbekistan, as well as regulatory legal acts in a relevant area and the problems of their application. In the conclusion of the article, the author offers suggestions on improving the process of recruiting foreign citizens in Uzbekistan.*

***Keywords:** foreign citizens, confirmation of the right to work, permission to employ foreign labor force, electronic visa.*

**Кириш.** Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ва тадбиркорлар томонидан чет эллик етакчи

мутахассисларни ишга жалб қилишни янада кенгайтириш миллий иқтисодийetni ривожлантириш ҳамда саноатни модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли субъект сифатида муносабатларга киришар экан, ўзаролик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ўз фуқароларимиз ва чет эл фуқароларининг меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқилганлиги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Табиийки, ривожланаётган бозор иқтисодийети меҳнат муносабатларига, айниқса, кадрларнинг малакасига нисбатан қаттиқ талаблар қўётганлиги сабабли меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳамда унинг рўёбга чиқарилиши борасидаги қонунчилик ҳужжатларини тубдан қайта кўриб чиқиш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда энг долзарб вазифага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Меҳнат кодексининг 12-моддасига асосан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

2017 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил топган хорижий сармоя иштирокидаги **хорижий ишчи кучини ёлловчи 144 та корхона фаолияти йўлга қўйилган бўлиб**, улардан агентликка мурожаат қилган **51 та корхона** (иш берувчи)га хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш рухсатномаси берилган бўлса, мазкур инвестиция лойиҳаларида ишлаш учун **730 нафар** хорижий фуқароларга меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси расмийлаштирилган.

Қайд этиш лозимки, мазкур Ўзбекистонда инвестиция шартномалари асосида ташкил қилинган корхоналарга кўплаб чет эллик мутахассислар таклиф қилинмоқда. Қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилиш амалиёти йўлга қўйилган.

Лекин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда чет эл фуқароларини Ўзбекистондаги меҳнат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу соҳадаги миллий механизмларини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур мақола доирасида шу соҳадаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимига оид масалаларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

**Меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси ва хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатномаси шаклидаги ҳужжатлар бугунги талабларга жавоб берадими?**

Қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига келувчи хорижий фуқаро иш берувчи томонидан олинган рухсатнома асосида унинг номига берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси бўлгандагина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаши мумкин. Яъни хорижий фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаши учун у ишлашни режалаштираётган юридик шахс хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатнома олиши ва мазкур ҳужжат асосида чет эл фуқаросига меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси берилади.


Мазкур икки ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги (кейинги ўринларда агентлик деб юритилади) томонидан берилади. Рухсатнома бериш тўғрисидаги қарор иш берувчи ушбу белгиланган ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб 30 кун мобайнида агентлик томонидан қабул қилинади

2017 йилнинг ўзида агентлик томонидан **5122 та** корхонанинг тегишли рухсатнома ва тасдиқнома бериш бўйича аризалари кўриб чиқилган бўлиб, ўрганиш натижасида хорижий ишчи кучини жалб ва ундан фойдаланиш учун рухсатномалар берилган корхоналар сони – **892 тани**; хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун берилган (*муддати узайтирилган*) меҳнат ҳуқуқи тасдиқномалари сони – **4230 тани ташкил этган**. Хорижий ишчи кучини жалб қилиш рухсатномасининг амал қилиш муддати ўтган **192 та корхонага** тегишли мазмундаги билдиришномалар юборилган.

Хорижий фуқароларни республика ҳудудларида қонуний бўлишларини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХЧК ва ФРБга корхона аризаларига асосан бекор қилинган

**935 нафар** хорижий фуқароларнинг меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномалари бўйича маълумотлар тақдим этилди.

Бугунги кунда чет эл фуқароси саналган юқори малакали мутахассисни Ўзбекистон ҳудудидаги корхоналарга ишга қабул қилишда бир-бирини тақозо қилувчи бир нечта босқичли тартиб-таомиллар ўрнатилган. Қуйидаги схемада ушбу жараён босқичма-босқич назарда тутилган.



### III. Хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатнома олишда инвесторлар қандай тўсиқларга дуч келмоқда?

Хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатнома олиш Агентлик томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан амалга оширилади ва бунинг учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

ариза;

контракт лойиҳаси ёки хорижий фуқаролар ёхуд чет эл фирмалари билан тузилган хорижий мутахассисларни жалб қилиш мақсади ва шартлари тўғрисидаги олдиндан аҳдлашилганликни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

хорижий мутахассисга берилган фотосуратли анкета;

рухсатномани расмийлаштириш ва бериш учун тўлов тўланганлиги ҳақидаги банк (касса) ҳужжати (энг кам иш ҳақининг 10 баравари);

“ВИЧ-инфекция” йўқлиги тўғрисида сертификат.

Аммо амалиётда агентлик томонидан, бундан ташқари, қўшимча ҳужжатлар талаб қилинади, ўз навбатида, бу чет эллик инвесторларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлади.

Мазкур қўшимча ҳужжатларга агентликда ҳужжатларни расмийлаштириш учун юборилган ходимга берилган ишончнома, унинг ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги буйруқдан кўчирма ва паспорт копияси; корхона ҳақида қисқача маълумотнома; корхона раҳбарини тайинлаш ҳақидаги таъсисчилар мажлис баённомасидан кўчирма ва буйруқдан нусха; корхона раҳбарининг паспорт копияси; устав ва таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари; тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномани нотариал тасдиқланган нусхаси; хорижий фуқарони ишга қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги ҳудудий бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармасининг хати ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Мазкур ҳолат агентлик томонидан юритилаётган амалиёт юқоридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартибга зид саналади ва бу эса чет эллик инвесторларга қўшимча тўсиқ ҳамда бюрократик барьерга айланган. Агентлик томонидан бериладиган рухсатнома 1 йиллик муддат берилди. Эътиборлиси шуки, қонун ҳужжатларида мазкур муддатни 3 йиллик, 5 йиллик муддатларга **узайтириш масаласи назарда тутилмаган**.

Рухсатнома келгусида чет эллик фуқаросига тақдим этиладиган яна бир тартиб-таомил меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномасини бериш учун асос бўлади. Иш берувчидаги рухсатнома бошқа иш берувчиларга берилмаслиги керак. Рухсатнома асосида жалб

**килинадиган хорижий ходимлар бошқа иш берувчига ишлаш учун ўтказилиши мумкин эмас.**

Бу икки тартиб-таомил бир-бирига жуда ўхшаш бўлсада, чет эллик инвесторлар ёки хорижлик мутахассисларни жалб қилувчи юридик шахсларга ҳар йили энг кам ойлик иш ҳақини 20 баравари миқдоридан давлат божи тўлашга олиб келади.

#### **IV. Меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномасини бериш тартибдаги муаммолар**

Қайд этиш лозимки, чет эл фуқароларга Меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномасини бериш тартиби ва шартлари, унинг ўзига хослиги амалдаги Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилмаган. Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда фақат ушбу тасдиқномасининг меҳнат фаолиятини юритиш мумкин эмаслиги, унинг учун тўлов ундирилиши баён қилинган ҳолос.

Энг қизиғи, чет эл фуқаросининг меҳнат фаолиятининг давомийлиги иш берувчига берилган рухсатномада кўрсатилган муддатдан ортик бўлиши мумкин эмас.

Иш берувчи олинган рухсатнома асосида чет эл фуқароси билан дастлабки меҳнат шартномасини тузади, унда унинг аниқ лавозими, иш ҳақи ва бошқа шартлар кўрсатилган бўлиши лозим. Мазкур меҳнат шартномаси чет эл фуқароси томонидан имзоланганидан сўнг иш берувчи ёки унинг ишончли вакили агентликка мазкур чет эллик ходим номида “тасдиқнома” беришни сўраб **10 та ҳужжатни** ўз ичига олган ҳужжатлар тўпламини шахсан топширади.

Қайд этиш лозимки, агентлик хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш учун рухсатнома беришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бўш иш жойларини эгаллаш бўйича устунлик ҳуқуқлари принципидан, сўралаётган жойда кадрлар бир хил ишчи кучлари борлигидан келиб чиқиши керак. Ушбу талаб Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг **илтимосномалари** бўйича туризм соҳасида ишга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга татбиқ этилмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, рухсатнома 1 йиллик муддатга берилди ва чет эл фуқароси билан тузилган шартнома ҳам, ўз навбатида, 1 йиллик муддатга тузилиши шарт.

Агар чет эл фуқароси аниқ вақтда Ўзбекистон ҳудудида бўлса, у ҳолда унинг ишга олишга оид ҳужжатлари “Е” меҳнат визаси, “В-1” иш визаси, “S-3” хизмат визаси бўлган тақдирдагина қабул қилинади.

Ушбу меҳнат шартномасини узайтириш учун юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тақдоран топширилади ва агентлик томонидан кўриб чиқилади.

Мазкур соҳадаги яна бир муаммо шундаки, юқоридаги ҳужжатлар тўпламини тайёрлаган тадбирлар ёки чет эллик инвестор ушбу ҳужжатларни қабул қилувчи Тошкент шаҳрида жойлашган агентликка бир неча мартаба келишни талаб қилинади. Ушбу ҳужжатларни ҳудудий давлат идораларига топшириш мумкин эмас. Бу, ўз навбатида, тадбиркор учун қўшимча харажатларни талаб қилади.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистоннинг икки вилоятдан рухсатнома олиш учун тадбиркорнинг келишини минимал харажатларини ишлаб чиқдик.

Тадбиркор Қорақалпоғистон Республикасидан ҳужжатларни олиб келиши учун ўртача **1491–1507 АҚШ доллари** сарфлар экан. Худди шундай харажатларни Наманган вилоятдан ҳисоблаганда унинг ўртача миқдори **1000 АҚШ доллари**га тенг деб кўрилди.

Яна бир қизиқ томонидан агентлик томонидан чет эл фуқароларини ишлаши учун тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кунлари сифатида душанба, чоршанба ва жума кунлари 9.30 дан 12.30 гача этиб белгиланган. Рухсатнома ва тақдимномаларни бериш эса душанба ва чоршанба кунлари 14.00 дан 17.00 гача берилди. Кўпчилик ҳолатларда ҳужжатларда камчиликлар мавжудлиги учун агентлик томонидан улар қайтарилди.

Ҳужжатлар ва уларни тўлдириш масалалари Агентликни [www.migration.uz](http://www.migration.uz) сайтида берилган бўлсада, кўпчилик ҳолатларни аниқ намунани берилмаганлиги ва шаклларни мураккаблиги тадбиркорларни ҳужжатларни тўлиқ тўлдиришни тушунмаслигига олиб келмоқда.

Буларнинг барчаси тадбиркорлар учун қўшимча харажатларни ва оворагарчиликларни келтириб чиқариши табиий.

Мазкур ҳолат тадбиркорларни чет эллик ходимларни ишга олишда қузатиладиган ҳар йиллик харажати саналади.

Тўғри, мамлакатимизда асосий эътиборни миллий фуқароларимизга муносиб иш ўринларини яратишга қаратилиши лозим, лекин ҳали янги бўлган ва ривожланмаган, юқори малакали мутахассислар бўлмаган соҳаларга чет эллик юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш орқали ўз фуқароларимизни қайта тайёрлашимиз мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ҳолатларга учраган тадбиркор ёки чет эллик инвесторни Ўзбекистонга инвестицияларни олиб кириши ва ўз фаолиятини янада кенгайтиришга бўлган иштиёқи камайиши табиий ҳолдир.

#### **V. Чет эллик мутахассисларга бериладиган виза ва уни соддалаштириш масалалари**

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудига кириш визалари асосидагина қўйилади. Ўзбекистон ҳудудига кириш визалари Ўзбекистон Республикасини хорижий давлатлардаги консуллик муассасалари томонидан берилади.

Меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси ва хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатнома агентлик томонидан тақдим этилганидан сўнг чет эллик инвестор ёки тадбиркор Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бошқармасига ариза ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза (виза олиш учун анкета [www.evisa.mfa.uz](http://www.evisa.mfa.uz) сайтига жойлаштирилган);

паспорт копияси;

мутахассиснинг ишлаётган жойидан маълумотнома;

Устав ва таъсис шартномасини нотариал тасдиқланган нусхаси;

Давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан берилган гувоҳномани нотариал тасдиқланган нусхаси;

Меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси ва хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатнома;

Корхонанинг юридик манзили ва телефони кўрсатилган расмий чиқиш хати бланки намунаси ва бошқалар.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ чет эл фуқаросини доимий ёки вақтинчалик ишга қабул қилиш учун уни таклиф қилаётган юридик ва жисмоний шахслар Ташқи ишлар вазирлигига илтимоснома киритишлари лозим.

Қайд этиш керакки, Ташқи ишлар вазирлигининг вилоятлардаги бошқармалари мавжуд эмаслиги, тадбиркорлар учун виза олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни Тошкент шаҳрига келиб олиш заруратини вужудга келтиради. Бу, ўз навбатида, қўшимча харажатни вужудга келтиради.

Ташқи ишлар вазирлиги томонидан инвестиция жалб қилиш ва хорижий инвесторлар томонидан тўқнаш келинган муамоларни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон билан ишлаш тажрибасига эга бўлган хорижлик тадбиркорлар, экспертлар, чет эллик инвесторларни ўртасида сўровнома ўтказилган. Бунинг натижасида Ўзбекистонга инвестицияларни киритишда учраётган бир қатор муаммолар орасида маъмурий-бюрократик тўсиқлар, хусусан, инвесторлар учун бериладиган лицензия ва рухсатномаларни олишдаги қийинчилик ва муаммолар алоҳида санаб ўтилган [1].

Юқоридагилар асосида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга меҳнат миграцияси, чет эллик инвесторларга янада қулайликлар яратиш ҳамда чет эллик юқори малакали мутахассисларга ишлаш ҳуқуқини берувчи тартиб-таомилларни янада соддалаштиришга қаратилган **қуйидаги таклифларни** илгари суриш мақсадга мувофиқ.

1. Чет эллик инвесторлар ва тадбиркорлар томонидан юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш бўйича тартиб-таомилларни янада соддалаштириш мақсадида Ўзбекистонга кўп инвестицияларни киритаётган давлатларни аниқлаб, уларни инвесторларига соддалаштирилган тартибда чет эл фуқароларини ишга қабул қилишга рухсат бериш мақсадга мувофиқ саналади.

Мисол учун, бугунги кунда Ўзбекистонга бошқа давлатларга нисбатан кўп инвестиция киритаётган давлатлар Австрия, Бельгия, Буюкбритания, Германия, Испания, Италия, Латвия, Малайзия, Франция, Чехия, Швейцария ва Япония каби мамлакатларнинг ишбилармон вакилларига виза беришни соддалаштирилган режимини жорий қилиш ҳамда улар киритган инвестициялар асосида ташкил қилинган корхоналарга чет эллик юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш жараёнини соддалаштириш таклиф қилинади. Бундан ташқари, энг кўп инвестиция киритаётган стратегик ҳамкор давлатлар **Хитой ва Туркия фуқароларига** кўп мартабали визаларни бериш тартибини жорий қилиш, уларга янада кенгроқ имконият яратган бўлар эди.

2. Ўзбекистон ҳудудида чет эл фуқаролари томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсат бериладиган соҳалар ёки мутахассисликлар рўйхатини ишлаб чиқиш таклиф қилинади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом талабларини инвестиция ҳажми жуда кам бўлган ҳудудларга татбиқ

қилинмаслиги ёки алоҳида соҳаларга чет эллик фуқароларни ишга қабул қилишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш таклиф қилинади.

4. Одатда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг биринчи даражали раҳбари ёки раҳбар ўринбосари сифатида чет эл фуқаролари тайинланади. Бизнингча, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, бундай тоифадаги лавозимларга тайинланган шахсларга нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган низом талабларини жорий қилинмаслигини ўрнатиш таклиф қилинади.

5. Меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси ва хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатномани олиш учун ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5278-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3430-сон қарори билан ташкил қилинган **Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари** томонидан кўрсатилиши таклиф қилинади. Мазкур давлат хизматлари марказлари ҳузурида миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ва бандлик ва ижтимоий таъминот соҳасида шўъбалар томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, Давлат хизматлари марказлари ва агентлик ўртасида **электрон тизимни жорий қилиш** заруратини вужудга келтиради. Мазкур таклифни амалга оширилиши юридик ва жисмоний шахсларни ортиқча харажат ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш имконини беради.

6. Юқоридаги низом ва амалиётни ўрганган ҳолда меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси ва хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатномани олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини оптималлаштириш ва давлат органлари томонидан белгиланмаган ҳужжатлардан ташқари ортиқча ҳужжат сўраганлик учун жавобгарлик чорасини қонунчиликда мустаҳкамлаш таклиф қилинади.

7. Чет эллик мутахассисларга виза бериш режимини ўзгартириш мақсадида Бухоро, Хива, Самарқанд, Навоий ва бошқа халқаро аэропорт мақомига эга бўлган шаҳарларнинг аэропортларида Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бошқармасининг бўлимларини очиш таклиф қилинади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонга келаётган чет эл инвесторлари ва туристларини сонини ошишига ва чет эл инвестицияларини кириб келишини янада қулайлаштиришига олиб келади.

8. Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада соддалаштириш ва чет эл фуқароларини Ўзбекистонга кириб келишини қулайлаштириш мақсадида вазирликнинг [www.evisa.mfa.uz](http://www.evisa.mfa.uz) веб-сайтини янада соддалаштириш, уни халқаро стандартларга мослаштириш, унда онлайн саволларга жавоб блогини очиш таклиф қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистонда электрон виза бериш тизими ишга тушириш таклиф қилинади. Янги тизим эскирган элчихоналарда навбат туриш тизимидан воз кечиш имконини беради. Саёҳатчилар барча ҳужжатлар ва анкеталарни интернет орқали жўнатиб, қисқа муддатда визага эга бўла олади. E-Visa тизими бўйича визалар чет эл фуқароларига мамлакат аэропортларида уларнинг ҳужжат тўлдириш чоғида топширган ёзма талабномалари асосида тақдим этилади. Электрон виза учун тўловларни Visa va Master Card электрон тўлов тизимлари орқали амалга ошириш мумкин. Бундай тизим қатор мамлакатларда, жумладан, Озарбайжон ва Грузияда жорий этилган. 2017 йилда Тожикистон ҳам шу тизимга ўтди.

#### References:

1. <https://mfa.uz/ru/about/speech/2017/05/11134/>.